КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА КУРАШАМИЗ!

Коррупция ҳар қандай соҳада, айниқса, йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятида катта хавф ҳисобланади. У молиявий йўқотишларга, ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайишига ва меҳнат жамоасида ишонч муҳитининг сусайишига олиб келади.

Металлургия соҳаси мамлакатимиз иқтисодиётининг таянч тармоқларидан бири ҳисобланиб, ушбу соҳада самарали ишлаб чиқариш, рақобатбардош маҳсулот яратиш ва жамоанинг меҳнат унумдорлигини ошириш аввало ҳалоллик, очиқлик ва қонун устуворлигига асосланган бошқарув тизимини талаб қилади. Шу нуқтаи назардан, коррупция ва манфаатлар тўқнашувига қарши кураш ҳар бир корхона, жумладан металлургия комбинатлари учун ҳам устувор вазифадир. 2026 йил 27 январь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида давлат ва жамият хавфсизлигига тўғридан-тўғри таҳдид қилаётган жиноятчиликларга қарши таъсирчан чораларни белгилаш юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Ушбу йиғилишда давлатимиз раҳбари коррупцияга нисбатан муросасиз позицияни очиқ ва қатъий ифода этди.

Президентимиз видеоселектор давомида шундай деди: “Билиб қўйинглар, давлатнинг ҳар бир сўми бўйича таъсирчан назорат ўрнатилади. Жавобгарлик муқаррар, жазо қаттиқ бўлади”. Бу сўзлар ҳар бир раҳбар ва ҳар бир ходим учун огоҳлантирувчи ва масъулиятни оширувчи даъватдир.

Йиғилишда таъкидланганидек, яқин вақт ичида Президент Администрацияси ва барча давлат идораларида комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тизими жорий этилди. Бу тизим давлат маблағларидан фойдаланишда очиқликни таъминлаш, манфаатлар тўқнашувини барвақт аниқлаш ва коррупциявий схемаларга чек қўйишга қаратилган.
Президентимиз келтирган рақамлар эса муаммонинг нақадар жиддий эканини кўрсатади. Қисқа муддатда бюджетга тушумлар, талон-торож ва молиявий камчиликлар бўйича 53 триллион сўм, ташқи савдо операцияларида эса 8 миллиард доллардан ортиқ қарздорлик аниқлангани ўта аянчли ҳолат сифатида қайд этилди. Коррупциявий схемалар натижасида 4,2 триллион сўм зарар етказилган бўлиб, шундан 1,3 триллион сўми ундирилди, 55 нафар шахс қамоққа олинган.

Ҳурматли металлурглар!

Металлургия комбинати жамоаси учун ушбу видеоселектор йиғилиши муҳим сабоқ бўлиши керак. Хомашё хариди, ускуналар сотиб олиш, пудрат ишлари, эҳтиёт қисмлар таъминоти ва кадрлар билан боғлиқ барча жараёнларда ҳалоллик ва ошкораликка қатъий амал қилиш ҳар биримиздан юксак масъулият талаб этади.

Коррупцияга қарши курашда ҳар бир ишчи, мутахассис ва муҳандиснинг фаол фуқаролик позицияси муҳим. Ҳар қандай қонунбузарликка бефарқ қарамаслик, хизмат вазифасини ҳалол бажариш, корхона манфаатини шахсий манфаатдан устун қўйиш соғлом меҳнат муҳитининг асосий шартларидир.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифалар металлургия тармоғида ҳам коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш барқарорлиги, инвестициявий жозибадорлик ва меҳнат жамоасида ишонч муҳитини мустаҳкамлайди.

Коррупцияга муросасиз муносабат бугунги кун талаби ва эртанги кунимиз тараққиёти кафолатидир.

Азизбек Адилов, “Ўзметкомбинат” АЖ
Бошқарув раисининг Ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари